


“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Каттақурғон шаҳар Хокими  
Г.З.Алимова



Бажарувчиташкилотнитанлаболишчун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Каттақурғон шаҳар-2022

Танловхужжатларинингмазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
2. Техник қисм
3. Нархларқисми

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги ёшлар дафтарида турган фуқароларга асбоб ускуна олиш.
- 1.2. Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги ёшлар дафтарида турган фуқароларга асбоб ускуна олиш буйича танлов охириги киймати–жами 22 848 000 (йигирма икки миллион саккиз юз кирк саккиз минг) сўм.
- 1.3. Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги ёшлар дафтарида турган фуқароларга асбоб ускуна олиш буйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
«Буюртмачи» манзили: Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳар А.Темур кўча 4  
Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.2. Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъийназар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, қаида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:  
Танлов предменти кийматининг қаида 30 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
Шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва вақолатлар;  
Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Низом маблағи миқдори.

- 3.3. Агар танлов предменти бўлган товар ( хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчилиққа биноан лицензиялаштириши зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН МТАШКИЛОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон курашида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачм” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.
- 4.3. Танлов иштирокчиси:
  - Фақат битта таклиф бериши мумкин;
  - Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулиқ жавобгар бўлади;
  - Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

- 5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.
- 5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.3. Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1. Давлат харидлари туғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалилар.
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва туғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.